

## ТАРИХИЙ ҲИКОЯЛАРДА ЎТМИШ ВОҚЕЛИГИНИНГ РЕАЛ ТАСВИРИ

Акбарова Мухайё

Андижон шаҳар 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7231859>

**Аннотация.** Мақолада тарихий мавзунинг ҳикоя жанрида ёритилиши, ўтмиш воқелигининг реал тасвири хусусида сўз юритилади. Ёзувчи Ғулом Каримийнинг ҳикоялари мисолида тарихий шахс ва давр образи таҳлил қилинади.

**Таянч сўз ва иборалар:** тарихий ҳикоянавислик, ўтмиш воқелиги, реал тасвир ва бадиий тўқима, қадимги туркий қавмлар, туркийлар ва жужанлар кураши, Амир Темури образи.

## РЕАЛИСТИЧНОЕ ИЗОБРАЖЕНИЕ ПРОШЛОЙ РЕАЛЬНОСТИ В ИСТОРИЧЕСКИХ РАССКАЗАХ

**Аннотация.** В статье рассматривается тенденции реалистической изображению исторической времени, освещение исторической темы в жанре рассказ. Анализируется образы исторического лица и эпохи на примере рассказов Гуляма Карими.

**Основные слова и словосочитания:** исторический рассказ, прошлое действительность, реалистическая изображение и художественный вымысел, древние тюркские племя, сражении тюрков и жужанов, образ Амира Темура.

## REALISTIC DEPICTION OF PAST REALITY IN HISTORICAL STORIES

**Abstract.** In the article the illumination of historical subject in the narration genre and the real portrayal of past actuality is reflected.

**Keywords and phrases:** historical story, the past reality, real image and literary composed, image Amir Temur

## КИРИШ

Тарихий мавзуни бадиий акс эттириш ҳақида сўз юритилганда, ўзбек адабиёти мисолида аксарият роман ёки қисса жанрлари зикр этилади. Эпик турнинг ўрта ва катта жанрларида тарихий мавзуни ёритиш ёзувчи учун, албатта, ўнроқ ҳисобланади. Бир қарашда ўтмиш воқелигини ҳаққоний акс эттиришда ёзувчи учун “катта майдон” зарур. Чунки ўқувчи воқеликнинг бутун моҳиятини тушуниши учун тарихий ҳодисаларнинг узвийлигини англаши, тарихий шахсларнинг характери, руҳияти, давр муаммоларини билиши шарт бўлади. Бироқ, кичик эпик жанр ҳисобланган ҳикояда ҳам роман ва қиссалар кўлами билан етказиладиган моҳиятни китобхонга узата олиш имконияти мавжуд. Тарихий мавзудаги ҳикояларнинг камлигини адабиётшунос олим У.Норматов ҳам таъкидлаб ўтган эди. Бунинг сабаби “муҳим тарихий ҳақиқатлар, тарихий шахслар қисмати билан боғлиқ воқеа ҳодисаларни шунчаки акс эттирмай, балки бадиият талаблари, жанр имкониятлари асосида қайта идрок этилиб, бадиий инкишоф қилиниши” (У.Норматов. “Умидбахш тамойиллар”, 112-бет) кераклигидадир. Яна бир олим Қ.Йўлдошев истиқлол йилларида нафақат тарихий ҳикоялар, балки умуман ҳикоя жанрида асарлар қиссага нисбатан кам яратилганини айтиб ўтади: “Эндиликда қиссаларнинг миқдор жихатидан ҳам мўлроқ яратилганлиги сабаблардан бири қиссаларнинг жанр хусусиятига кўра ҳикояларга қараганда бозорбоплигидадир дейиш мумкин” (Қ.Йўлдошев. “Ёниқ сўз”, 548-бет). Дарҳақиқат, ҳикояда “ҳам лиризм, ҳам тафсилот, ҳам замонга хос белгиларни” тенгдан акс эттириш қийин.

## МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўтмишга муносабатнинг ижобий ўзгариши билан мустақиллик йилларида жамиятимизда тарихий шахслар образини яратишга эътибор қилина бошланди. Дастлабки яратилган асарларда Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби сиймоларни улуғлаш, мадҳ этиш устуворлик қилса, кейинроқ пайдо бўлган асарларда шундай шахсларнинг қиёфасини реал тасвирлашга, фаолиятларини тарихий мантиққа асосланиб ёритишга ҳаракат қилинди. Бу эса бадиий асарда тарихий шахс образини яратишда адибларимизнинг ижодий изланганидан далолат беради.

Истиклол даври тарихий ҳикоянавислигида гарчи асарлар миқдори кўп бўлмаса-да, уларнинг бадиияти, мазмунининг салмоғи жиҳатидан бу жараён ҳақида сўз юрита оламиз. Шунга кўра тарихий ҳикоянависликда қаламга олинган даврларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: а) Энг қадимги давр ҳақидаги ҳикоялар; б) ўрта асрлар тарихи ёритилган ҳикоялар; в) хонликлар даври тарихи ҳақидаги ҳикоялар; г) яқин ўтмиш ҳақидаги ҳикоялар.

Ўзбек халқининг энг қадимги ўтмиши тасвирланган ҳикоялар жуда озчиликни ташкил қилади. Бунинг сабаблари қадимги давр ҳақидаги тарихий материалларни ёзувчи синчиклаб ўрганиши, асл манбалар билан пухта таниш бўлиши кераклигидир. Иккинчи томондан эса, мустақилликнинг дастлабки йилларида бундай манбалар ва маълумотлар етарли бўлмаганлиги билан изоҳланади.

Ёзувчи Ғулом Каримийнинг “Темирчилар исёни” ҳикоясида қадимги аждодларимиз ҳаёти бадиий акс эттирилган бўлиб, унда туркий қабилаларнинг мустақиллик учун кураш ғояси азалдан қон-қонига сингиб кетганлигига урғу берилади.

Ҳикояда турк шахзодаларидан Бўмин ва Истамиларнинг ҳукмдорлиги даври қаламга олинган. Туркийлар ва жужанлар ўртасидаги зиддият душман томоннинг жуда кўп ўлпон талаб қилишидан юзага келади. Доимий машғулоти жангу жадал бўлган жужанлар туркийлардан темирдан ясалган қурол аслаҳа билан ўлпон тўлашни шарт қилиб қўяди. Уларнинг жужанлар билан курашуви тасвирида туркий қавмларнинг урушга муносабати, меҳнат билан ҳаёт кечириш ғояси, ўз она юртига муҳаббат ҳислари бадиий ифодаланган. Ёзувчи асарда туркийларнинг бўрига эътиқоди сабаблари, жужанларга тобе бўлиб қолганлик воқеаларини қабилла оқини тилидан баён қилади. Туркийларнинг тинчликсеварлиги жужанлар билан курашдаги бир лавҳа орқали тасвирланади: Жанг вақтида яраланган душман – жужанни бир қабилладаги чолу кампир асраб қолиб парвариш қиладилар. Бу иш учун уларни шахзода Бўмин авф этади ҳамда “бундан сўнг турклар ёв қонини фақат жанг майдонида тўкадур. Кучимизга тан бериб таслим бўлганларни авф этиб шафқат қилурмиз. Зеро, зулмга таянган давлат ҳам ўз эли, ҳам очун аҳлида нафрат уйғотур!” дейди (Ғ.Каримов. “Арслонхон минораси”, 24-бет).

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Ҳикояда онаси асли туркийлардан бўлган Инал образи мавжуд бўлиб, у воқеалар тизимида асосий ўрин тутади. Иналнинг онаси жужанлар томонидан мажбуран олиб кетилган ва жужанга турмушга чиқиб, фарзанд кўрган. Жужанлар билан ўз она юртига келган Иналда ябғу Бўминнинг қизи Сулувсочга муҳаббат ришталари боғланади. Сулувсочга Иналнинг “жужан лашкарида юзбоши бўлгандан оддий турк жангчиси бўлганим афзал”, деган сўзлари таъсир қилиб, унинг онаси ҳақида “турк юртидан

йирокда, ётлар орасида сени асл турк ўғлони қилиб улғайтирибдур”, дейди. Инал ҳикояда ўз она ватани ва у ердаги ёрини самимий севувчи образ сифатида ишонарли тасвирланган.

“Темирчилар исёни” ҳикоясида қадимги туркийлар яшаган давр, табиат, атроф муҳит ёзувчи томонидан бадиий тасвирланган. Гарчи қадимги манбаларда табиат манзаралари ҳақидаги маълумотлар оз бўлса-да, ёзувчи ҳикояда ўз тасаввури асосидаги табиат тасвирини беради. Кўп ўринларда туркийлар ҳақидаги маълумотлар асар қахрамонлари тилидан ҳикоя қилинади. Ҳикояда туркийларнинг ўтроқ яшаганлиги, хунармандчилик, яъни темирчилик билан шуғулланганлиги даври, илк давлатчиликни шакллантириш нишонлари қаламга олинган. Адабиётшунос У.Норматов: “Тарихий ҳақиқат бадиий асар тусини олганда, ёзувчи шахси билан тасвир объекти бир-бирдан ажралади, тасвир объекти мустақил ҳаёт кечириш имконига эга бўлади, ҳақиқатнинг моҳиятини очиш, у ҳақда хилма-хил фикр мушоҳада юритиш, баҳслашиш имкони туғилади” деб таъкидлайди У.Норматов. “Умидбахш тамойиллар”, 38-бет). “Темирчилар исёни” ҳикояси қадимги давр туркий аждодларимиз ҳақида бўлса-да, унда ифодаланган мустақиллик ғояси ҳамма даврлар учун аҳамиятли бўлиб қолаверади.

### МУҲОКАМА

Ғулом Каримийнинг “Улуғ муаррих” номли ҳикояси тарихчи Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийга бағишланган. Ҳикоя Наршахийнинг арк олдида ҳаяжон билан турганлиги билан бошланади. Тарихнависнинг “Бухоро тарихи”ни не машаққатлар билан битгани ва уни амир қандай қабул қилишининг хаёлида эканлиги, ҳаяжон сабабларини ёритади. Муҳаммад Наршахий арк ичидан амир юборган отда ўтиб бораркан, атроф, арк ичи илгари қандай ҳолатда бўлганини ҳозирги ҳолати билан таққослайди.

Наршахий саройга кириб борганда олтин тахтда ўтирган амир Нуҳ ибн Насрнинг савлат тўкиб ўтириши, зарбофт либослару, қимматбаҳо қурол аслаҳалар таққан аёнларнинг тасвирланиши камтарин муаррих Наршахийнинг ташқи кўриниши, ўзини тутиши ўртасидаги қарама қаршилиқни ўқувчи онг остида сезиб туради. Аркка келгунга қадар тасвирланган ўринда Наршахийнинг “Бухоро тарихи”ни ёзиш жараёнида ҳатто қоғоз ва сиёҳга маблағи қолмаган кунлар бўлгани баён этилади.

Саройда амир ва унинг аёнлари Абулфазл Сулабий, Жайҳонийлар Бухоро тарихи илк марта ёзилганини таъкидлаб, Наршахийни мақтайдилар. Бу ерда муаррихнинг обрўси ва шуҳратига ҳасадланаётган кишилардан бошқа олимнинг илму маърифатига ҳавас ва эҳтиром билан боқиб турган Абуали Балъамийнинг нигоҳини сезади. Жайҳоний Наршахийга “Бухорий нисбасини олинг” деб таклиф берганда, муаррих ўзини Имом Бухорий, Абу Ҳафс Кабир Бухорийлар қаторига қўя олмаслигини айтиб рад этади. Жайҳоний амир вазири бўлиб, унинг таклифини рад этишни сарой аёнлари “беодоблик”, “хурматсизлик” деб эгриликка оладилар. Лекин амир бу ноқулай вазиятни юмшатиб, “Амир Наршахий нисбали одам ҳам Бухоро фарзанди-ку” (Ғ.Каримов. “Арслонхон минораси”, 36-бет) дейди ва Наршахийни мударрислик лавозимига тайинлайди. Амир унга қандай мукофот берилишини ўзидан сўраганда муаррих асарининг хаттотлар томонидан кўчиртириб беришини айтади. Шундан сўнг тақдирлашнинг кейинги қисми бошланиб, саройдаги анъаналарга мувофиқ жомда олтин тангалар келтирилиб, Наршахийнинг бошидан сочилади. Маросимнинг энг ажабтовур жиҳати шунда эдики, мукофотланаётган одам уларни эгилиб, ҳатто эмаклаб йиғиши керак эди.

Ёзувчи бош қаҳрамонининг характерини очиб беришда ушбу маросимни тасвирлаши ҳам катта аҳамият касб этади: “Муҳаммад йиллар давомида вайроналардан сопол синиқлари, занглаган темир пайконларни излаб топиб қайси даврга оидлигини аниқлаш учун уларни чангу зангдан тозалашдан ор этмаган. Ҳозир эса ерга эгилиб, ҳатто тиззалаб, ўнлаб нигоҳлар остида тангаларни териб олишни ўйлар экан, бутун вужуди музлаб, кўз олди қоронғилашди” (Ғ.Каримов. “Арслонхон минораси”, 37-бет). Наршахий амирга юзланиб олтин ҳадяларни толиби илмларга беришларини сўрайди.

Ҳикоядан англашиладиган ёзувчининг ғоявий нияти шундаки, маънавий мероснинг баҳоси тенгсиз эканлиги, уни моддий нарсалар ва олтину кумушлар билан ўлчаб бўлмаслигини уқтиришдир.

“Арслонхон минораси” ҳикоясида қорахонийлардан бўлган Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймоннинг хасталик вақтида ҳам Бухорода ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб боргани тасвирланади. Арслонхоннинг оёқ кўли фалажланиб қолгач, тахтни ўғли Насрга топширади. Ҳикояда Арслонхоннинг халқпарвар, адолатпеша эканлиги хаста хоннинг халқ томонидан маҳзун кутиб олиниши лавҳаси билан далилланади. Бухорода қурилган минора тунда кулаб тушгач, Арслонхон уни янгидан қуришга аҳд қиладилар. Арслонхон уста Бақога минора тарҳини чиздиради. Қурилиш бошланишида кўли базўр ҳаракатланса ҳам илк ғиштни Арслонхон кўйиб беради. Арслонхоннинг минора ва иншоотлар бунёд этишга бўлган эътибори унинг қизи Моҳитурконга ҳам ўтган. Арслонхоннинг инсоний ва ҳоқонлик фазилатлари унинг уста Бақо билан суҳбати диалоглардан ҳам аён бўлади.

Ёзувчининг “Кўрагон” ҳикоясида соҳибқирон Амир Темурнинг ўттиз тўрт ёшидаги воқеалар қаламга олинади. Темур қайноғаси амир Ҳусайнга Мовороуннаҳрни мўғуллардан озод қилиш учун лашкарларини бирлаштиришни таклиф қилади. Ҳусайн эса Сейистонга ҳужум қилиш кераклигини унга уқтиради. Темурбек ва Ҳусайн Сейистонда жанг олиб боришаётганда амир Ҳусайн ўз ҳарамдаги аёлларни, ҳатто хотинини ҳам ташлаб қочади, Темурбекнинг саволига кези келганда Чингизхон ҳам хотинларини ташлаб жонини қутқарганини айтади. Темурбек сейистонликларга қарши курашда аҳли ҳарам ва бошқа аёлларни қутқарар экан оёғига ўқ санчилиб, яраланади. Китобхон воқеаларни тушуниши учун ёзувчи бўлиб ўтаётган воқеаларга қадар нималар рўй берганини бир неча жумлада ҳикоя қилиб беради.

Қайноғаси бўлса ҳам Ҳусайн Темурбекка бир неча суиқасдлар уюштиради, Темурбек Ҳусайннинг Мовороуннаҳрни бирлаштиришга бош қўшмаслигини кўриб уни Балхда мағлуб этади. Одатга кўра енгган амир мағлуб бўлган рақибининг аҳли аёлини ўзиники қилиб оларди. Бироқ, асли Темурбек севган Сароймулкхоним тақдир тақозоси билан Ҳусайнга умр йўлдоши бўлган эди. Бу ўринда “орқага қайтиш” усули орқали Ҳусайн ва Сароймулкхонининг тўйлари кечасида Темурбекнинг изтиробларини ички монолог орқали тасвирланади. Ўтмишдаги изтироблари ортда қолиб, Сароймулкхоним Темурбек измида бўлса-да, у маликанинг ўзини эмас, қалбини бўйсундиришни истарди.

Темурбекнинг Сароймулкхонимга совға қилган оқ ўтовга кириб келишидан то ҳикоя сўнггигача қаҳрамонларнинг диалогларидан ташкил топган бўлиб, ўқувчи кўз олдига пьесага хос ҳолат келади. Чунки адабиётшунос олим Д.Қурононов таъкидлаганидек, ҳикояда очерклилик ва новеллистиклик хусусиятлари аввало ўзаро фарқланса, кейинчалик бир

бирини тўлдириши, бойитиши кузатилади (Д.Қуронов. “Чўлпон насри поэтикаси”, 41-бет). Бундай қоришиқлик, яъни синтезлашиш Ғ.Каримий ҳикояларига ҳам хосдир.

Ҳикояда Амир Темурнинг “кўрагон” унвонига эришиш учунгина эмас, балки унинг адолат, халқпарварлик ва инсонийлик жиҳатидан қилган ҳаракатлари, ҳар бир инсонга хос бўлган муҳаббат кечинмаларига эга шахс тимсолида тасвирланади. Темурбек ва Сароймулкхонимнинг суҳбатлари орқали уларнинг Мовороуннаҳрни обод, фаровон, халқини бахтиёр қилиш борасидаги орзу умид, мақсадлари муштарак эканлиги аён бўлади. Ҳикоя гўё тугалланмагандек тасаввур уйғотади, бироқ Сароймулкхонимнинг Амир Темурни Афросиёбга менгзаш мумкинлиги, Туронни Афросиёб давридаги мавқеини тиклаши ҳақидаги ўтли сўзлари ўқувчида тарих воқелигига ишончи ва қизиқишини уйғотади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол даврида тарихий ҳикоялар кам яратилган бўлса да, бу йўналишга сон ва сифат жиҳатидан муносиб ҳисса қўшган Ғулом Каримий ҳикоялари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг тарихий ҳикояларида энг кам мурожаат қилинган қадимги давр туркийлар ҳаёти, шунингдек, ўрта асрлар тарихий воқеалари қаламга олинган. Бу тур ҳикояларда ўтмиш воқелиги реал тасвирланиб, ундаги ғоялар ҳамма замонлар учун алоқадор эканлиги китобхон томонидан тушунилади. Шу боис тарихий ҳикоялар ўтмиш ҳақида маълумот берибгина қолмай, бугунги замондошларимизга тарихимизни бадий идрок этишида, бадий-эстетик оламининг шаклланишида ҳам муайян вазифа бажаради.

## **REFERENCES**

1. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
2. Каримий Ғ. Арслонхон минораси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
3. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000.
4. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004.